

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК  
МИҚДОР ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШНИ  
ПРОФИЛАКТИК ЖИХАТЛАРИ”**

*O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi*

*311-guruh kursanti*

***Samatov Samatjon Kodir o'gli***

*O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi*

*313-guruh kursanti*

***Muslixiddinov Sherzodjon G'ulomjon o'g'li***

**Annotation:** Ушбу мақолада тадқиқот мавзусининг долзарблиги, профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликнинг сабаблари ва шартшароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш фаолияти тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари, мазкур фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, ундаги муаоммо ва камчиликлар, шунингдек, бу соҳадаги айрим хорижий давлатларнинг илгор тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари шунингдек, ушбу фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ёритиб ўтилган.

**Kalit so'zlar:** ташкилий-ҳуқуқий асосларибб айрим хорижий давлатларнинг илгор тажрибасиббмиллий қонунчилигимизб жиноятчилик миқдор ва сифат кўрсаткичларини

**Abstract:** The relevance of the research topic in this dissertation, the concept of the activities of the prevention inspector to identify and eliminate the causes and conditions of organized crime, and its specific features, as well as the organizational and legal basis of the activities of the prevention inspector to identify and eliminate the causes and conditions of organized crime. and shortcomings, as well as a number of proposals to address some of the existing problems and shortcomings, the best practices of other foreign countries in

*identifying the causes and conditions of organized crime and their elimination, as well as differences and similarities from our national legislation, as well as Using the above aspects, the main directions of improving this activity are highlighted.*

**Key words:** *secular-legal foundations, the advanced experience of some foreign countries, our national management, and the quantity and quality of crime helpers.*

Ўзбекистон Республикаси ўзининг истиқлол йилларида барча соҳаларда тинмай ўзгаришларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга жаҳоннинг кўзга кўринган ва риожланган мамлакатлари билан бирга турли соҳаларда ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлигини ва қўйилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Қадимий бой тарихга эга ҳамда маънавият ва маърифат ўчоғи бўлган “Ўзбекистон ўзининг бу томонлари билан дунёвий халқларни қизиқишини отирди. “Аҳолини тинч ва осоишта ҳёотини таъминлаш ,жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир”. Шу боис 2017-йилда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришни таъсирчан тизимини яратиш ,қонун бузилишларини олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида “ги<sup>1</sup> Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчилик миқдори ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг тушунчасини ўрганар эканмиз биз

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2833-сонли қарори 2017-йил 14-март

биринчи бўлиб жиноят тушунчасига таъриф берар эканмиз бу ҳақида турлича фикрлар баён этган. Жумладан жиноятчилик деганда З.Зарипов ва И.Исмоиловнинг таъкидлашича маълум бир минтақада, маълум бир давирда содир қилинган жиноятлар йиғиндисини ўз ичига олган, нисбатан оммавий, тарихий ўзгарувчан, ижтимоий хавфли, ижтимоий ҳуқуқий ходисадир. Абдурасуловнинг фикрига кўра муайян макон, минтақада, маълум давир ичида содир этилган барча жиноятлар мажмуи кўринишидаги тарихий ўзгарувчан, салбий, обектив ва ижтимоий ходисадир. Жиноятчилик – муайян ҳудудда (мамлакат ёки унинг маъмурий ҳудудий бирлиги)да, маълум давр (ой, чорак, ярим йил, тўққиз ой, йил, икки йил ва бошқаю)да содир этилган барча жиноятлар мажмуини ўз ичига олган, белгиланган миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган Биламизки Республика ҳудудида жиноятчиликнинг ошишига камбағаллик сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бунга уечим сифатида президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ўз ташаббуслари билан жорий этилган “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш вазирлиги” ташкил этилган бўлиб, ушбу вазирликка йилма-йил ҳисобда топшириқлар берилмоқда. Ушбу вазирликнинг амалга оширган кенг кўламли ишлари бутун Республика ҳудудида жиноятчиликнинг камайишига, вилоятларда, туманларда ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг камайишига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда аҳоли сони йилига 2,1 фоизга ёки 712 500 нафарга (34 557 600/35 270 000) ўсиб боришига қарамасдан, ўтган йил давомида жами жиноятлар 5,3 фоизга (105 215/111 082), олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар 15,1 фоизга (66 405/78 193) камайишига эришилган. Жумладан, қотиллик 14,3 фоизга (426/365), шахснинг ҳаётига оғир тан жароҳати уетказиш 7,3 фоизга (1 319/1 223), босқинчилик 23,5 фоизга (341/261), талончилик 35 фоизга (1 003/652), ўғирлик 22,8 фоизга (19 732/15 237), безорилик 14,9 фоизга (3 024/2 574), фирибгарлик жиноятларини 16,1 фоизга (24 554/20 591) кескин пасайишига эришилган. Бунда, профилактика инспекторлари ҳоким

ёрдамчилари билан биргаликда, аҳолининг бандлик даражасини “хонадонбай” ўрганиш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали ишсиз аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда “3 та дафтар”га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширмоқда. Ўз навбатида, ёшлар уетакчилари билан биргаликда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, айниқса, профилактик ҳисобда турувчи ёшлар, жумладан, ичкиликка ружу қўйган, гиёҳванд, руҳий касаллар билан “фуқаробай” ишлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чоралари кўрилади. Жумладан, маҳалла ҳудудида олдини олиш мумкин жиноятлар (ЖКнинг 48 та моддаси бўйича) ўтган йилнинг 12 ойи давомида республика бўйича 29 942 та содир этилишига йўл қўйиб берилди, бу содир этилган умумий жиноятнинг 28 фоизи (салмоғини)ни ташкил қилмоқда. Маҳалла ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноятларга йўл қўйиб бериш бўйича биринчи ўрин Тошкент шаҳри (6 299), иккинчи ўрин Фарғона (5 683), учинчи ўрин Тошкент вилояти (3 528), тўртинчи ўрин Наманган (2 057), бешинчи ўрин Самарқанд (2 027), олтинчи ўрин Қашқадарё (1 835), уеттинчи ўрин Бухоро (1 744), саккизинчи ўрин Андижон (1 718), тўққизинчи ўрин Сурхондарё (1 542), ўнинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси (757), ўн биринчи ўрин Навоий (709), ўн иккинчи ўрин Сирдарё (696), ўн учинчи ўрин Хоразм (673) ва ўн учинчи ўрин Жиззахнинг (603) ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур турдаги жиноятлар ҳар 100 минг аҳолига нисбатан республикада 85 тадан тўғри келиб, унинг 6 413 таси ёки 20 фоизи оғир ва ўта оғир тоифали жиноятларга тўғри келган. Аҳамиятли томонидан, олдини олиш мумкин бўлган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар Фарғона вилоятида 1 273 та содир этилишига йўл қўйилиб, республикада содир этилган мазкур тоифа жиноятларнинг 20 фоизини ташкил қилган. Мазкур вилоятнинг жиноятларни олдини олиш профилактикаси йўналиши чуқур ўрганилган. Мисол учун, Фарғона вилояти олдини олиш мумкин бўлган жиноятларга йўл қўйиб берилиши бўйича республикада иккинчи ўринни қайд қилган, ундаги туман-шаҳарлар бўйича

Фарғона шаҳри биринчи ўринда. Биргина, Фарғона шаҳрининг ўзида 1 393 та олдини олиш мумкин бўлган жиноятларни содир этилишига йўл қўйиб берилган. Ҳуқуқ-тартибот масканлари негизда ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ва уларнинг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш *биринчидан*, ушбу ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солинганлигига; *иккинчидан*, ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, усул ва шакллари, куч ва воситаларнинг аниқ белгилаб олинганлиги, шунингдек ҳамкорликнинг функционал ваколатлар доираси билан аниқ чегараланганлигига; *учинчидан*, ҳамкорликнинг муҳим шартлари бўлган ахборот муҳитининг яратилганлигига; *тўртинчидан*, ҳамкорликнинг биргаликда режалаштирилиши, режаларнинг амалдаги ижроси самарали таъминланиши ва иш натижаларининг биргаликда таҳлил қилиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Мирзиёев Ш.М. Еркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.–

Т., «Ўзбекистон», 2017.–48 б.

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir. – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв.

Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзаев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори // УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2896-сонли қарори // УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 3528-сонли қарори // УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли фармони // УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавиймаиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизими такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3827-сон қарори // УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-3808-сон Қарори // УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz);